



Yashnobod tumani
qurilish bo'limi

№ 2940-185f-f99f-e326-cca9-1896-6493
Hujjat yaratilgan sana: 2021-01-09
Ariza raqami: 26142702

Hujjat berilgan: "ALPHA RAY"
Qabul qiluvchining identifikatsiya raqami: 308030320

Obyektни qayta ixtisoslashtirish va rekonstruksiya qilishga RUXSATNOMA

08.01.2021 dagi 26142702-son

"ALPHA RAY" МЧЖ (308030320) ga tegishli Юридик шахс: "ALPHA RAY" масъулияти чекланган жамиятига тегишли Яшнобод тумани, Оханграбо кўчаси манзилида жойлашган нотурар биносини юридик хужжатга эга бўлган қисмини "Пастки қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси жойлашган кўп қаватли турар жой биноси ҳамда кўп қаватли автотураргоҳ" сифатида қайта иxtisosлаштириб реконструкция қилиш учун. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сонли қарорининг 2-илоvasида келтирилган I-II тоифаларга муносиб бўлиш шарти билан) Алохида шартлар: 1. Архитектура режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун буюртма бериш. 2. Лойиха ташкилотига ўрнатилган тартибда лойиха хужжатларини ишлаб чиқиш учун буюртма бериш. 3. Объект конструкцияларини техник тафтиш қилиш, (конструкцияларига ўзгартириш киритилган тақдирда). 4. Лойиха хужжатларини "Архитектура-шахарсозлик кенгаши" муҳокамасига ўрнатилган тартибда келишиш учун тақдим этилсин. 5. Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорати инспекциясидан қурилиш-монтаж (ихтисослаштириш, реконструкция) ишларини амалга ошириш учун ўрнатилган тартибда рухсатнома олиш. 6. Реконструкция ва иxtisosлаштириш ишлари яқунлангандан сўнг, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан белгиланган туртибда рўйхатидан ўтказиш. 7. Рухсатнома шартлари, талаblари бажарилмаса, ушбу рухсатнома ўз кучини йўқотади. manzilda, qayta ixtisoslashtirish va rekonstruksiya qilish ishlarini amalga oshirish uchun berildi.

Eslatma:

- Buyurtmachi tomonidan arxitektura-rejalashtirish topshirig'i ishlab chiqilishini ta'minlanishi;
- Loyiha tashkiloti tomonidan loyiha-smeta hujjatlar kelishilishini ta'minlash;
- Qurilishi (rekonstruksiyasi) tugallangan bino va inshootlar foydalanishga qabul qilinishi lozim.

Izoh: Obyektни faqat qayta ixtisoslashtirish uchun ruхsатnoma berilgan taqdirda ushbu ruхsатnoma obyektga kadastr pasportini qayta shakllantirish uchun asos bo'ladi.

МУЛЛАДЖАНОВ НОСИРЖОН ГАНИЕВИЧ

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi. Elektron hujjatning nusxasida ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun repo.gov.uz veb-saytiga o'ting va elektron hujjatning noyob raqamini kiriting yoki mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling. Diqqat! Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qaroriga muvofiq elektron hujjatlardagi ma'lumotlar qonuniy hisoblanadi. Davlat organlariga Yagona portalda shakllantirilgan elektron hujjatlarning nusxalarini qabul qilishni rad etishlari qat'iy taqiqlangan.

1089





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Яшнобод тумани филиали

Берилган сана: «04.01.2021»

№:1726290/R-A1464465

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида
Давлат Реестридан
КЎЧИРМА

«30.12.2020» да келиб тушган 25998473 -сонли буюртма асосида Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига қуйидагиларга бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида қуйидаги ёзувлар киритилган:

1. Кўчмас мулк объекти:	
Кўчмас мулк объекти тури:	Нотурап
Кўчмас мулк объектининг номи:	Бино-иншоот
Кадастр рақами:	10:04:01:02:04:0005
Жойлашган жойи:	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Оханграбо кўчаси, Уй
Реестрнинг тартиб рақами:	1726290/R-A1464465
2. Рўйхатдан ўтказилди:	
Ҳуқуқ эгаси, ҳуқуқдаги улуш:	ALPHA RAY MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI, 100%
2.1. Ер участкаси:	
Ҳуқуқ тури:	ижара
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси:	04/01/2021
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари:	Управление по земельным ресурсам г. Ташкентанинг 04.01.2021 й. № 20-4-00002054 Ер участкаси ижара шартномаси
2.2. Бино ва иншоотлар:	
Ҳуқуқ тури:	мулк ҳуқуқи
Давлат рўйхатидан ўтган сана:	04/01/2021
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари:	Мирзо Улугбек туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуси Абдалимова З.Х.нинг 20.10.2020 й. № 202002180002400 Олди-сотди шартномаси; Томонларнинг 29.12.2020 й. № 1/1 Топшириш (бериш) шартномаси
3. Бошқа маълумотлар:	
3.1. Давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони (кв.м.):	11308
3.2. Давлат рўйхатидан ўтказилган бино ва иншоотлар майдони (кв.м.):	10:04:01:02:04:0005:0001 Умумий фойдаланиш майдони: 95 кв. м Қурилиш ости майдони: 73 кв. м Яшаш майдони: 70.52 кв. м
3.3. Тақия, хатлов ёки чекловлар мавжудлиги:	
Ипотека, бино ва иншоотлар, шунингдек, ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги:	
ер участкаси бўйича сервитут келишуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги:	
бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг қисмлари бўйича ижара шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги:	

Рўйхатдан ўтказувчи

Камаритдинов Акмал Зиявитдинович

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган кўчирманинг электрон нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун daureestr.uz порталига ўтинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарорига мувофиқ Давлат реестридан электрон шаклда берилган, шунингдек, қогозда берилган кўчирмалар тенг юридик кучга эга. Давлат органларига Давлат реестридан шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.





Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 3397-7862-3dac-283d-6791-6908-9768
Хужжат яратилинган сана: 2022-03-25
Ариза рақами: 48394834

Хужжат берилган: DROZDOV SERGEY OLEGOVICH
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 491546362

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳар Қурилиш
бош бошқармаси. бошлиғи
А.А.Хасанов
25.03.2022 16:49

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ
ТОПШИРИҒИ**

25.03.2022 16:49 й.
1726-1726290-39119 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	Мавжуд нотурар биносини юридик ҳужжатга эга қисмини "Пастки каватида савдо-маиший хизмат курсатиш мажмуаси жойлашган куп каватли турар-жой биноси ҳамда, куп каватли автотураргоҳ сифатида қайта ихтисослаштириб реконструкция қилиш.
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Яшнобод тумани, Оханграбо кучаси.
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	«ALPHA RAY» маъсулияти чекланган жамияти.

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: И.Каримов кучаси, 51-уй.

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	- Яшнобод тумани Қурилиш бўлимининг 2021 йил, 08-январдаги 26142702-сонли рухсатнома. - Яшнобод тумани Давлат хизматлари марказининг «ALPHA RAY» маъсулияти чекланган жамиятига тегишли 2022-йил, 15-мартдаги 48394834 рақамли рўйхатга олинган электрон буюртмаси.

2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тутган ўрни	- Объект Яшнобод туманининг Оханграбо кўчасидаги жамоат ва турар-жой бинолари ҳудудида жойлашган, ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланган.
3	Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари	- Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ер майдони IV Б иқлим (климат) ҳудудида жойлашган. Хаво ҳарорати: Ўртача йиллик 25,1° С Баланд ҳарорат 40° С Паст ҳарорат -14° С
4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	- Объектнинг инженерлик ҳолатини ўрганиш учун “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонасига 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилиши лозим. -Ер майдонининг чегаралари 1:2000 нисбатдаги топохаритада тахминий кўрсатилган бўлиб, Мавжуд нотурар биносини юридик ҳужжатга эга қисмини “Пастки каватида савдо-маиший хизмат курсатиш мажмуаси жойлашган куп каватли турар-жой биноси ҳамда, куп каватли автотураргоҳ сифатида қайта ихтисослаштириб реконструкция қилинадиган бинони жойлаштириш ишлари “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонаси томонидан бажарилган геологик (геодезик) изланишлар ва 1:500 нисбатдаги топохарита ва инженер геологик хулосаларга асосан олиб борилсин, ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқувчи ташкилот ва туман Қурилиш бўлими бошлиғи (Бош архитектори) томонидан чегараларига аниқлик киритилсин.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	- Объект Яшнобод туманининг Оханграбо кўчасидаги жамоат ва турар-жой бинолари билан туташ жойлашган.
6	«Қизил чизиқлар ва белгилар»	- Ер майдонининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, мавзе ички майдони ва Оханграбо кўчасининг қизил ва қурилиш чизиқларига амал қилган ҳолда, лойиҳа ишларини олиб борилсин.

7	Архитектура талаблари	<p>- Мавжуд нотурар биносини юридик хужжатга эга кисмини “Пастки каватида савдо-маиший хизмат курсатиш мажмуаси жойлашган куп каватли турар-жой биноси хамда, куп каватли автотураргох сифатида кайта ихтисослаштириб реконструкция қилиш бўйича шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ШНК 2.07.01-03 хамда, 2.08.01-19 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги шартлари бажарилсин. - Лойиҳалаш жараёнида объектни, ён атрофида қурилган ва қурилиши мўлжалланган биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура ансамблини ташкил этиш инobatга олинсин. - Лойиҳа ишларини бошлашдан аввал тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилотининг реконструкция қилинаётган мавжуд бинонинг ҳозирги ҳолатини (конструкцияларнинг чидамлилиқ ҳолати) акс эттирувчи хулосаси олиниши шарт. - Лойиҳалаштирилаётган объект ҳудудидан тежамкорлик билан фойдаланиш талабларига мувофиқ барча ер майдонларидан функционал фойдаланиш мақсадлари аниқ бўлиши, уларнинг ҳажми эса санитария-гигиена, экологик, фавқулотда вазиятлар ва ёнғинга қарши меъёрларга риоя қилиш учун етарли даражада бўлиши шарт. - Лойиҳалаштирилаётган объект жамоат, турар-жой бинолари оралиғида жойлашганлиги сабабли, мавжуд бинолардан экология, санитария, фавқулотда вазиятлар ва ёнғиндан сақлаш нормалари ҚМҚ меъёрлари асосида оралиқ сақлансин. - Лойиҳалаштирилаётган объектнинг таркиби, ўз ҳудудида жойлашуви ва ҳажми лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида тасдиқланган ва келишилган «Лойиҳа топшириқлари» асосида белгилансин. - Объектни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа ишлари «Ёнғиндан сақлаш» тадбирлари асосида олиб борилсин. - Объект ҳудудига автомашиналарни кириши ва чиқишлари йўл ҳаракати хавфсизлиги нормалари асосида лойиҳалаштирилсин. - Лойиҳа хужжатларида ташқи кузатув воситаларини жойлаштириш лозим. - Лойиҳа ташкилоти, Архитектура Режалаштириш Топшириқларига, буюртмачи томонидан тасдиқланган ва қурилиш Бош бошқармаси томонидан келишилган «Лойиҳа топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. - Объектнинг бош режасини лойиҳалашда шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан, тегишли ҳудуд чегарасидан чиқмаган ҳолда “Қурилиш қоидалари ва меъёрлари” талаблари асосида умумий ер майдонидан “Худудий фойдаланиш баланслари” инobatга олинган ҳолда реконструкция қилинаётган бино туширилган (жойлаштирилган) атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, автомобил тўхташ жойлари ташкил этилган 1:500 нисбатдаги бош плани ишлаб чиқилсин. - Қурилиш давомида, ажратилган ҳудуд енидан утган юкори кучланишдаги (ЛЭП) электр симининг мухофаза ҳудуди (зона) ҳисобга олинган ҳолда қурилиш ишлари бажарилсин.</p>
8	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	<p>- Ер майдони ҳудудида бузиладиган бино ва иншоотлар лойиҳа асосида аниқлансин.</p>
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	<p>- Шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқиш икки босқичдан, ихтисослаштириб реконструкция қилиш ишлари бир босқичдан иборат.</p>

10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	-Лойиҳа ҳужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида объект атрофида игна баргли, манзарали дарахтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инobatга олинсин. - Кўкаламзорлаштириш ҳудудларини кўк чимлар билан қоплашга, ландшафт архитектурасига эътибор берган ҳолда экилган дарахтларга шакл берилсин. -Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил, 30-ноябрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон атроф муҳитни сақлаш концепцияси»га асосан, ҳамда Мараторийдан келиб чиқиб кўп йиллик дарахтлар сақлаб қолиниши шарт.
11	Санитария-гигиена талаблари	-Санитария гигиена талаблари (ШНК) 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда(СҚ ва М) 0350-17. (СанП иН) асосан лойиҳалаштирилсин.
12	Ёнғиндан сақланиш талаблари	-Ёнғиндан сақланиш талаблари (ШНК) 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
13	Экология талаблари	-Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, асосан барча экологик меъёрларга амал қилиш инobatга олинсин ҳамда санитария гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш молларидан фойдаланилсин.
14	Лойиҳани келишиш	- Шаҳарсозлик ҳужжатларини, лойиҳалаш ташкилоти томонидан, Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига» ўрнатилган қуйидаги тартибда тақдим этилиши керак. - Объект биноси жойлашган ҳудуднинг чегаралари ва қизил чизиқлари туширилган 1:500 нисбатдаги топохаритада ҳудуднинг бош режаси. -Бино ва иншоотларнинг тарз ва ён кўринишлари. -Бино ва иншоотларнинг тарҳи, қирқимлари ва хоналар экспликацияси. -Объектнинг ҳолати ва мавжуд бино ва иншоотлар билан боғлиқлиги (развёртка фасадов) ва фотосуратлар -Перспектива. - Дастлабки эскиз лойиҳалари ва бош плани қуйидаги шаҳар мутассади идоралари билан келишилган бўлиши керак. - Шаҳар Санитария-эпидемиялогик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати маркази. - Шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси. - Шаҳар Фавкулотда вазиятлар бошқармаси. - Шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси. - Шаҳар Ногиронлар жамияти. - Лойиҳа ҳужжатлари «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг ижобий хулосасидан сўнг, экспертиза бошқармасига тақдим этилсин.

15	Қўшимча талаблар	<p>- Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ШНК 1.03.01-16нинг 1.13 банди талаблари бажарилсин. - Шаҳарсозлик хужжатларини белгиланган тартибда «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг тавсияномаси ва экспертиза хулосаси бўйича кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.</p> <p>- Қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан аввал Тошкент шаҳар қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясидан реконструкция (қурилиш-монтаж) ишларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш шарт. - Реконструкция ишлари тугагандан сўнг, ҳудуднинг ижро топотасвирини бажариб, “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий текшириш Давлат институти” Давлат унитар корхонасига топширилади. - Шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида қурилиш меъёрлари ва қоидалари шу билан бирга, зилзилага бардошлик, ҳамда ШНК 2.07.01-03 ва ШНК 2.08.01-19 шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари инобатга олинсин.</p>
----	-------------------------	---

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

16	Ичимлик сув тармоғи	-----
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	-----
18	Электр тармоғи	-----
19	Газ тармоғи	-----
20	Телефон алоқа тармоғи	-----
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-----
22	Дренаж тармоғи	-----
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиҳа ташкилотига қўйилаётган талаблар	-----
24	Қўшимча талаблар	-----
25	Архитектура режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	- Мазкур Архитектура Режалаштириш Топшириқларига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади.



ТАЪРИФНОМА.

1. «ALPHA RAY» маъсуляти чекланган жамиятига мавжуд нотурар биносини юридик ҳужжатга эга қисмини "Пастки қаватида савдо-манший хизмат курсатиш мажмуаси жойлашган куп қаватли турар-жой биноси ҳамда, куп қаватли автотураргоҳ сифатида қайта ихтисослаштириб реконструкция қилиш учун кўрсатилган ер майдоини.
2. Куп қаватли турар-жой бинолари.
3. "Узфармсанонат" ҳудуди.

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини
ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:

О.О.Дониев.

Архитектура-режалаштириш топширигини гайёрлаган мутахассис:	З.А.Урунбаева
--	---------------

XASANOV ABDUSATTAR ABDUSAMATOVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

2174





Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 3404-6462-bebd-821d-d829-8826-1272
Хужжат яратилинган сана: 2022-07-01
Ариза рақами: 52771213

Хужжат берилган: "НИАТ" MAS'ULIYATI SHEKLANGAN
JAMIYAT
ЖШ ШИР: 207063591

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг

01.07.2022 даги 47918 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	52771213
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"НИАТ" MAS'ULIYATI SHEKLANGAN JAMIYAT
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"ALPHA RAY" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Яшнобод тумани, Оханграбо кўчаси.
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	Строительство многоквартирного жилого комплекса на территории ООО «ALPHA RAY» по ул. Оханграбо в Яшнабадском районе г. Ташкента»
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726290-39119 25.03.2022

Лойиҳани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Натижа	Изоҳ
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотурааргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	

7.	Ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Кўшимча маълумотлар: Яшнобод тумани ФВБ № 52771213 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май кунидаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорининг 4-маъмурий регламентига асосан Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича ўтказилган ўрганиш хулосаси 23/37-842 “26” май 2022 йил “НИИAT” МЧЖ га Яшнобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан “НИИAT” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан, Строительство многоквартирного жилого комплекса на территории ООО ALPHA RAY по ул. Оханграбо в Яшнабадском районе г. Ташкента» таклиф лойиҳаси хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқилиб, қуйидаги ёнғин хавфсизлигига қаратилган талабларни бажариш шарти билан қурилиш ишларига эътироз билдирилмайди, яъни - тавсия этилаётган ер участкасида бинони жойлаштириш архитектура-режалаштириш нуқтаи назаридан баҳолаш имконини берадиган эркин масштабдаги бош режаси тайёрланишини; - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг №1-иловининг (мажбурий) №1-жадвали ва 44-жадвали талабларига асосан ажратилаётган худудда қурилиши мўлжалланган бино қўшни худудларда мавжуд бўлган турар ва нотурар жой бинолари билан оралиқ масофаларни сақланишини; - ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” ҳужжатининг 2-жадвалига кўра, бинонинг конструктив элементларнинг ёнғинга бардош бериш даражаси II-дан кам бўлмаслиги; - ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” ҳужжатнинг 1-илова 15*-банди талабларига асосан қурилиши режалаштирилаётган бино атрофида ҳамда ушбу манзилдаги турар жой биноларига ўтиш учун махсус ва ёнғин ўчириш автомобиллари ҳаракатланишига энига камида 6 метрдан кам бўлмаган йўл қолдирилишини ҚМҚ 2.04.02-97 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” ҳужжатининг талабларига асосан ёнғин ўчириш мақсадлари учун ташқи сув тармоғидан ер ости ёнғинга қарши гидрантлар ўрнатилишини; - ёнғингарчилик сувларини бехатар кетиши бўйича объект худудининг ирригация-дренаж тизими лойиҳасини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши; - ажратилаётган худудда режалаштирилаётган қурилиш ишларнинг бош тарҳи ҳамда ишчи лойиҳаси амалдаги меъёр ва андозаларга асосланган холда ишлаб чиқилишини, сўнг мазкур ишчи лойиҳа ҳужжатлари ёнғин хавфсизлиги бўйича мажбурий экспертизадан ўтказилишини. - ички ёнғин ўчириш сув тармоғи ва кранларини ўрнатиш ҳамда керакли воситалар (енг, дастак, ярим бурагич гайка, сув босимини кўтариб берувчи насослар, масофадан насосларни бошқариш пульти) билан тўлиқ жиҳозлаш. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05; - ёнғинни сезувчи ва хабар берувчи мосламаларни ўрнатиш. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05; - ёнғинни сезувчи ва хабар берувчи мосламалар ишга тушганда ишловчи тутун тортиш тизими ўрнатилсин. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05. Юқорида кўрсатилган тадбирларга амал қилган холда Архитектура режалаштириш топшириғи ва қурилиши бўйича ишчи лойиҳалари ишлаб чиқилиши, ШНҚ 1.03.01-16 меъёрий ҳужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини барча бўлимларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардошлилик бўйича экспертизадан ўтказилиши. -

ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги” асосан бинодан иккинчи захира эвакуация йўллари ўрнатиш. Ушбу хулосани юқорида кўрсатилган тадбирлардан бири бажарилмаган тақдирда ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Қурилиш ишлари режалаштирилган ҳудуди бўйича бош тарҳи ва ишчи лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг, қурилиш ишлари бошланмасдан олдин ўрганиб чиқиш учун Яшнобод тумани ФВБга тақдим этилиши тавсия этилади. Бўлим бошлиғи С.Т.Сайдумаров телефон рақами (71 293 46 30) Ижрочи И.Шадманходжаев (71 293 46 30);

Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: 0350-17сонли “Ўзбекистон Республикасининг Аҳоли яшаш жойлари атмосфера хавосини муҳофаза қилиш” санитария коида ва меъёрлари; -0339-16сонли “Ўзбекистон аҳоли пунктларини ривожлантириш ва режалаштириш” санитария коида ва меъёрлари; -0331-16сонли “Ўзбекистоннинг иқлим шароитида турар-жой биноларини саклаш учун мосламалар бўйича санитария коидалари ва дизайн меъёрлари” талаблари бўйича санитария химоя минтақасига риоя этилиши; 2.08.01-05-сонли ШНҚ турар жой бинолари ҳужжатлари талаблари бажарилиши ҳамда 2.01.05-98-сонли КМК “Сунъий ва табиий ёритилиш ” талаблари бўйича табиий ва сунъий ёритилганликни бинонинг барча хоналарида тўғри ташкил этишга тавсия берамиз. Иш жараёнида юқорида курсатиб утилган конун ҳужжатларига асосланган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширишингизни талаб қиламиз. Тошкент шаҳар СЭО ва ЖСХ бошқармаси Яшнобод туман бўлими бошлиғи: Ф.Н.Нурматов (98)362-08-01 ижрочи: Пулатов Ш.Х 90 9572866;

Бош архитектор: М.М.Махкамов;



1. Лойиҳа эгаллаб турган ер майдонида кўп қаватли автотурагоҳ қурилиши белгиланганлиги кўрсатилган бўлиб, ушбу автотурагоҳни қуришга эҳтиёж йўқлиги ва ўрнига ер остига қурилиши ҳисобида автотурагоҳ сўғимини қамраб олиниши билдирилиб “ALPHA RAY” МЧЖнинг 2022 йил 15 июндаги 7-сонли музокаатини иноватга олиб ва ҳулоса берувчиларнинг ҳулосаларида кўрсатилган талабларни бажариш шarti билан лойиҳа ишларини давом эттириш.

2. “ALPHA RAY” МЧЖ томонидан тегишли АРТ ва рухсатномани лойиҳага мувофиқлаштириб қўйиш вазифаси юклатилсин.

МАХКАМОВ МУРОД МУХТОРОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

1886





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Республика Шахарсозлик экспертизаси

100011, Toshkent shahri, Abay ko'chasi, 6-uy, Tel. 244-04-85, E-mail:davexpertiza@exat.uz,
devexpertiza@umail.uz www.mc.uz

Yig'ma ekspert xulosasi № 73034

Obyekt nomi ««Toshkent shahri Yashnabod tumani Ohangrabo ko'chasi «ALPHA RAY» MChJ hududida ko'p qavatli turar-joy majmuasi qurilishi» ishchi loyihasi»

Buyurtmachi - «ALPHA RAY» MChJ

Bosh loyihachi - «POWER BUILD CONSTRUCTION» MChJ.

Litsenziya 2019 yil 20 dekabrda №AL-000429-sonli

Moliyalashtirish manbai - buyurtmachi o'z mablag'lari

Bosh pudratchi - tender savdolari orqali aniqlanadi

Qurilish turi yangi qurilish

Murojaat raqami: № 66572

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Toshkent shahar qurilish bosh boshqarmasi tomonidan 2021 yil 8 yanvarda berilgan 26142702-sonli ruxsatnomasi.
- 1.2. Toshkent shahar qurilish bosh boshqarmasi tomonidan 2022 yil 25 martda berilgan 1726-1726290-39119-sonli Arxitektura rejalashtirish topshirig'i.
- 1.3. Belgilangan tartibda kelishilgan va 2022 yil buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyihalash topshirig'i.
- 1.4. Loyihaviy ishlarni bajarish uchun 2022 yil 28 avgustda tuzilgan 16/22-sonli shartnoma.
- 1.5. 2021 yilda «POWER BUILD CONSTRUCTION» MChJ tomonidan bajarilgan qurilish maydonchasining muhandislik-geologik sharoitlari to'g'risidagi xulosa

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Loyiha tarkibiy bayoniga ko'ra ishchi loyihaning elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyiha-smeta hujjatlari.
- 2.2. «Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi» DUK tomonidan 21.10.2022 yilda berilgan 66290-sonli yig'ma ekspertiza xulosasi.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. *Qurilish maydonchasining ma'lumotlari.*

Normativ shamol bosimi - $W_0 = 0,38$ kPa.

Normativ qor qatlami vazni - $S_n = 0,50$ kPa.

Tumanning zilzilabardoshligi - 8 ball.

Tuproq - toshli tuproq.

Tuproqlarning seysmik toifasi - II (ikkinchi).

Yer osti suvlari yer sathidan 6.5-6.8 m chuqurlikda joylashgan.

Tuproqning muzlash chuqurligi - 0,7 m.

3.2. Bosh reja.

Ushbu loyihada bosh reja bo'yicha quyidagi bino va inshootlar qurish ko'zda tutilgan:

- "1-blok" - uch yo'lakli turar-joy binosi;
- "2-blok" - ikki yo'lakli turar-joy binosi;
- "3-blok" - ikki yo'lakli turar-joy binosi;
- "4-blok" - uch yo'lakli turar-joy binosi;
- yer osti avtoturargohi
- nazorat punkti
- bolalar maydonchasi
- atrof to'siqlari va h.k.

Bosh reja texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari

Umumiy maydoni	-	11269.8 m ²
Qurilish maydoni	-	4816.4 m ²
Qoplamalar maydoni	-	2869.9 m ²
Obodonlashtirish maydoni	-	2173.0 m ²

3.2. Arxitektura - rejalashtirish yechimlari.

"1-blok" va "4-blok" - yerto'lali, o'n qavatli bo'lib, to'rtburchak shaklida. Rejadagi tarx o'lchami 68.6x17.4m. Ushbu bino 3 ta yo'lakdan iborat. Ikkita blok bir-biriga qarama-qarshi joylashgan.

Turar-joy binosi yerto'la qismida - texnik xonalar, nasos xonasi, omborxonalar jylashgan.

Birinchi qavatda - 2 ta savdo maishiy xonalar, xonadonlar joylashgan.

Yuqori qavatlarda xonadonlar joylashgan.

Yerto'laning balandligi h-3.5m, yuqori qavatlar balandligi h-3.0m (poldan shiftgacha).

binosining texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari (1 ta uy)

Qurilish maydoni	-	1294.0 m ²
Umumiy maydoni	-	12090.0 m ²
Qurilish hajmi	-	40556.0 m ³

"2-blok" va "3-blok" - yerto'lali, o'n qavatli bo'lib, to'rtburchak shaklida. Rejadagi tarx o'lchami 49.6x17.4m. Ushbu bino 2 ta yo'lakdan iborat. Ikkita blok bir-biriga qarama-qarshi joylashgan.

Turar-joy binosi yerto'la qismida - texnik xonalar, nasos xonasi, omborxonalar jylashgan.

Yuqori qavatlarda xonadonlar joylashgan.

Yerto'laning balandligi h-3.5m, yuqori qavatlar balandligi h-3.0m (poldan shiftgacha).

binosining texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari (1 ta uy)

Qurilish maydoni - 920.8 m²

Umumiy maydoni - 7098.5 m²

Qurilish hajmi - 33542.6 m³

Binoni tashqi pardoqlash:

Poypesh - keramogranit tosh bilan qoplangan.

Tashqi devorlar - 80mm qalinlikdagi bazalt qoplamasi, travertin suvoq.

Xonadonlarni ichki pardoqlash:

Devorlar - suv emulsiyasi bilan qoplangan, keramik plita.

Shiftlar - suv emulsiyasi bilan bo'yalgan.

Pollar - laminat, keramik plitalar.

Derazalar - PVX profillardan iborat.

Eshiklar - MDF, metall.

Yer osti avtoturargohi - o'lchamlari 76.13x41.6m. Balandligi 2.5m (poldan shiftgacha).

3.4. Konstruktiv yechimlari.

Binolarning konstruktiv yechimi- karkasli, qattiq diafragmali monolit temir-beton.

Poydevori - qalinlikdagi 1000 mm bo'lgan monolitli temirbeton plita.

Poydevor devorlari - 400 mm qalinlikdagi monolitli temirbeton.

Devorlar - qalinlikdagi 380mm bo'lgan g'ishtdan iborat.

Ustun va rigellari - kesimi 400x400mm, 500x500mm monolitli temirbeton.

Pardevorlar - 120 mm qalinlikdagi g'isht.

Orayopma - qalinligi 220mm bo'lgan yig'ma g'ovakli temirbeton plitalar.

Zinapoyalar - monolitli temirbeton, beton sinfi V20.

Tom qoplama - yog'och konstruksiyalar bo'ylab profnastil.

Issiqlik qoplamasi - 120mm qalinlikdagi bazalt qoplamali plita.

3.5. Yong'in xavfsizligi.

Yong'in qarshiligi - II toifa.

Funksional yong'in xavf turi -F1.3.

Konstruktiv yong'in xavf turi -SO.

3.6. Energiya samaradorlik.

Bino tashqi devorlarining issiqlik o'tkazuvchanligi KMK2.01.04-2018 2b-jadvalga asosan issiqlik himoyasining 2-chi darajasi qabul qilingan, ya'ni, qalinligi 80mm bo'lgan jun-mineral qoplama bilan

qoplangan.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

Turar-joy binolari barcha muhandislik tizimlari bilan jihozlangan: isitish, shamollatish, elektr ta'minoti, aloqa va signalizatsiya, suv ta'minoti va kanalizatsiya, xavfsizlik va yong'in signalizatsiyasi va boshqa tizimlar shaharning muhandislik tarmoqlariga texnik shartlarga muvofiq ulanadi (ART kelishuvi va loyihalashtirish topshirig'iga asosan).

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Ishchi loyiha quyidagi tashkilotlar tomonidan ko'rib chiqilgan va kelishilgan:

- Toshkent shahar qurilish bosh boshqarmasi (2022 yil 01 iyuldagi 47918-sonli xulosa).
- Toshkent shahar ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasi (2021 yil 24 noyabrdagi 04-1712-sonli ekspertiza xulosasi).

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ishchi loyiha ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining arxitektura va rejalashtirish, texnologik yechimlari izohlarsiz taqdim etilgan.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izohlariga muvofiq ishchi loyihasiga asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

6.3. Ekspert tekshiruvi natijalariga ko'ra qurilish qiymati QQS bilan, buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz 167 554 434.134 ming so'm qilib belgilandi, shu jumladan:

Asbob - uskunalar - 10 980 338.049 ming so'm.

Qurilish-montaj ishlari - 134 719 169.894 ming so'm.

Qo'shimcha qiymat solig'i - 21 854 926.191 ming so'm.

Ish narxining pasayishi materiallarga narxlarni qayta hisoblash, inert materiallar uchun xaridlarni va saqlash xarajatlarini istisno qilish, koeffitsientni pasaytirish va h.k.

Chet el uskunolari, mebel va inventarlarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.4. Ishchi loyihaning asosiy qurilish montaj ishlarining yakuniy xarajatlari buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro hujjatlari) nazorat natijalari asosida, hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 20-maydagi 321-son qarorida belgilangan tartibga ko'ra "Nazorat o'lchovi" natijalari bo'yicha aniqlanadi.

6.5. Buyurtmachiga tavsiya etiladi.

- ShNK 4.01.16-09 6-bobidagi "Qurilishning bahosini shartnomaviy joriy narxlarda aniqlash qoidalari" asosida qurilish materiallari (buyumlar, konstruksiyalar) va uskunalarining ishlab chiqaruvchilarning narxlarini o'z ichiga olgan hududiy bozorda haqiqatda shakllangan narxlari, shuningdek bevosita ishlab chiqaruvchilardan (yetkazib beruvchi), qurilish materiallari birja va yarmarkalarining byulletenlari, qurilish materiallari va uskunolari yetkazib beruvchi tashkilotlarning narxlaridan olinishi;

- loyihaviy hujjatlarni tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi.

6.4. Buyurtmachi va loyiha tashkilotiga o'rnatilgan tartibda ekspertiza tomonidan berilgan kamchiliklarni bartaraf etgan holda loyiha-smeta hujjatlarini o'zgartirish talabi qo'yilgan. Agar ushbu talab bajarilmasa va

loyiha-smeta hujjatlari buyurtmachiga to'liq tuzatishlarsiz berilsa, ushbu ekspertiza xulosasi haqiqiy emas deb hisoblanadi.

6.5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 20-maydagi 321-son qarori 3-ilovasiga muvofiq shaharsozlik hujjatini ishlab chiqaruvchi tashkilot tomonidan qurilish ishlari butun davri davomida "Mualliflik nazorati"ni amalga oshirilishini ta'minlaydi.

6.6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 17-sentyabrdagi 579-sonli qarorining 3-bob 29-bandiga muvofiq va ShNK 1.03.06-13 ga asosan «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchliligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

7. Xulosalar.

7.1. «Toshkent shahri Yashnabod tumani Ohangrabo ko'chasi «ALPHA RAY» MChJ hududida ko'p qavatli turar-joy majmuasi qurilishi» ishchi loyihasi ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, kelishishga tavsiya etiladi.

7.2. Ushbu yig'ma ekspertiza xulosasi taqdim etilishi bilan 21.10.2022 yilda berilgan 66290-sonli yig'ma ekspertiza xulosasi bekor qilinadi.

Ekspert mutaxassis: Dadaxodjaev A., Shakurov R.F., Olxovskaya V.K., Musaev R.T., Raximova K.

Bosh mutaxassis: AVAZOV XASHIMJON TURABAEVICH

Ishtirokchi ekspertlar:



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
ҳузуридаги Қурилиш
соҳасида назорат
инспекцияси

№ 1806-3363-7f4f-a6ac-fad7-0038-1087
Ҳужжат яратилинган сана: 2022-11-24
Ариза рақами: 65047059

Ҳужжат берилган: "ALPHA RAY" MAS'ULIYATI
SHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР: 308030320

**Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун
объект рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида
КЎЧИРМА**

"ALPHA RAY" MAS'ULIYATI SHEKLANGAN JAMIYAT нинг 65047059-сон аризасига мувофиқ Урта Масжид МФЙ, Оханграбо кучаси, манзилда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун қурилиш объекти рўйхатдан ўтказилди. Мазкур **кўчирма объектда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун** асос бўлади.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш даврида куйидаги тартибларга амал қилиш талаб этилади:

- а) шаҳарсозлик нормалари ва коидалари талабларига амал қилиш;
- б) буюртмачининг техник, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик ва пудрат ташилотининг ички назорати ходимлари мавжуд бўлиши;
- в) қурилиш-монтаж ишлари ишчи лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бўлиши.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 99-моддасига асосан маъмурий чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

2432

